



“ДАВР” ҲОДИСАСИ ВА УНИНГ ЎРТА ОСИЁДА ЮЗ БЕРИШИДАГИ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАР

Маманов Абдурахим Абдухакимович

Самарқанд давлат университети мустақил изланувчиси

Биз Темурийлар салтанати инқироzi тарихида “давр”нинг ўрнини ўрганишга киришар эканмиз, аввало “давр” ҳақида бир мунча муфассалроқ тушунчага эга бўлишимиз лозимлиги ўз-ўзидан тушунарлидир.

Тарихий тараққиётнинг даврийлиги ҳақида қадимги Миср, Ҳиндистон, грек файласуфлари бир қанча фикрлар билдириб ўтишган. Масалан, ҳинд браҳманлари китобларида дунё маълум бир даврда қайтадан яралади деб ҳисоблайдилар ва бугун яшаётган инсонлар янги даврда янги, ҳатто мутлақо бошқа жонзот сифатида пайдо бўлиши мумкинлигини даъво қиладилар.

Грек файласуфларининг “даврийлик” ҳақидаги тушунчалари асосан табиат ҳодисаларидаги такрорланишга асосланган.

Тарихий тараққиётнинг даврийлиги ҳақидаги илк илмий (илмий деб аташ мумкин бўлган) тушунчалар араб тарихчиси ва сайёҳи Ибн Халдун томонидан яратилди.

Ибн Халдуннинг фикрича, дастлаб кўчманчилик турмуш тарзи пайдо бўлган, бу турмуш тарзининг оғирлиги туфайли одамларда меҳр-оқибат, қадриятларга амал қилиш кучли бўлган. Қабилаларнинг бир-бирига ҳужум қилиши ва бир томоннинг иккинчи томондан қулликка солиниши шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Шундай қилиб, инсоният ҳаёт тарзининг иккинчи – шаҳар ҳаёти пайдо бўлади. Аста-секин бойликларнинг пайдо бўлиши, одамларнинг зеб-зийнатга ружу қўйиши туфайли уларнинг аввалги-кўчманчиларга хос бўлган қадриятларига завоқ етади. Подшоҳлар кўпроқ бойлик орттиришга ҳаракат қилиб, солиқларни кўпайтириши натижасида оддий одамларда



хокимиятдан, ҳаётдан норозилик кучаяди. Охир-оқибатда давлат заифлашади ва уни кўчманчилар босиб олади. Ҳар бир сулола ўртача 120 йил умр кўради.[1] Бироқ, айтиб ўтиш жоизки, “давр”нинг нималигини, яъни унинг асосий хусусиятлари ва юз бериш қонуниятлари ҳалигача тўла-тўқис ўрганилмаган. “Давр”, “даврийлик” дейилганда кўпчилик табиат ҳодисалари, табиатда даврий равишда юз берувчи ҳодисалар, масалан, кун билан тун алмашинуви, фаслларнинг ҳар йили такрорланиб келиши, куёш фаоллиги билан боғлиқ даврий жараёнлар ва шу каби табиий такрорланувчи ҳодисаларни назарда тутиб келмоқдалар.

Тарихий тараққиётнинг даврийлиги ҳақидаги тадқиқотлар ҳам кўпчилик ҳолларда ижтимоий ҳодисалар билан табиий жараёнлар ўртасида боғлиқлик топишга уриниш, ижтимоий ҳодисалар сабабини табиий жараёнлар таъсири билан изоҳлашга уриниш ҳоллари ҳам кам эмас. Масалан, тамаддуний мактабнинг таниқли намоёндаларидан бири бўлган Л. Н. Гумилёв назариясига кўра “...тарихий тараққиётнинг асоси табиий ва ижтимоий унсурларнинг – биосфера, энос ва космоснинг ўзаро таъсирлашувидир. Космик омил бўлган илҳомланиш (пассионарность) мўъжизаси инсонларга даврий тарихий тараққиёт ижодкорлиги қобилятини яратади”.[2]

Л.Н.Гумилёв тамаддуний ҳамда “даврийлик”назариясининг энг кўзга кўринган намоёндаларидан бири ҳисобланади. Лекин, юқорида кўрганимиздек “давр” ҳодисасини “космик мўъжиза” сифатида қараш илмийликдан анчагина узок эканлигини эътироф этмасдан иложимиз ҳам йўқ.

Ҳатто ҳозирги кунларда ҳам “давр” ҳодисасини инкор қилувчилар ҳам учраб туради. Масалан, А. В. Повилайтиснинг фикрича, танқидчилар даврийликнинг баъзи элементлари мавжудлигини эътироф этганлари ҳолда, даврийликнинг ўзи мавжудлигини инкор қиладилар”. [3]

XIX- аср Россия тарих фани етакчиларидан бири Н. Я. Данилевский “даврийлик” назариясидан рус-славян миллатининг устунлиги, унинг



келгусида дунёга ҳукмрон бўлиши кераклигини асослаш учун фойдаланишга ҳаракат қилади. Маълумки, “даврийлик” назариясига кўра ҳар бир “давр” – “туғилиш”, “ўсиш”, “турғунлик”, “инқироз” босқичларини босиб ўтади, сўнгра жамиятда янгидан ривожланиш юз беради. Эски, чириган жамият ўрнини янги, ёш, тараққиётга қобил бўлган жамият эгаллайди. Данилевский жамият ўрнига миллат тушунчасини қўяди –гўё Ғарбдаги аввал тараққий этган миллатлар хароб бўлиб, ўрнига ёш, тараққиётга қобил миллат – руслар келар экан. Европаликлар буни билар эканлар ва шунинг учун ҳам Россияни кўролмас эканлар.

Тарихий тараққиётнинг даврийлигини эътироф этадиган тадқиқотчиларнинг ичида тараққиётнинг даврийлигини узлуксиз тараққиётга қарши қўйиш, ва кишилиқ жамияти тарихий тараққиёт қонуниятлари мавжудлигини инкор этиш учун фойдаланувчилар ҳам оз эмас. Масалан, тамаддуний ёндошув намоёндалари тарихий тараққиётни бир-биридан алоҳида-алоҳида тамаддунларнинг бир-биридан мустақил равишда пайдо бўлиши, ривожланиши ва яна барбод бўлиши жараёни сифатида қарайдилар.

Ана шу мактабнинг энг йирик вакилларида бири А. Тойнби ана шундай тамаддунлардан 21 тасини санаб кўрсатади.[4]

Аммо, тарихий тараққиётнинг бугунги кўриниши Тойнби қарашларининг ҳақиқатга зид эканлигини кўрсатмоқда – дунё тарихий тараққиёти умумий қонуниятлар асосида кечаётганлиги исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқатдир. А.Тойнбининг тарих фанига қўшган улкан хизматларини эътироф этган ҳолда, унинг баъзи бир фикрларига эътироз билдиришга мажбурмиз:

А.Тойнби томонидан санаб ўтилган 21 та тамаддун ичида Ўрта Осиё тилга олинмайди. Унинг фикрича Ўрта Осиёда мустақил, ўзига хос тамаддун яратилмаган, Ўрта Осиё тамаддуни Эрон тамаддунининг бир қисми бўлган эмиш?! Тойнбининг бу фикрлари унинг цивилизациянинг моҳиятини тўлиқ англамаганлигини яққол кўрсатади.



Бизнинг фикримизча у ёки бу ҳудудда содир бўладиган цивилизация ўша ҳудудга хос бўлган асосий ишлаб чиқариш усули асосида вужудга келади. Эрон билан Ўрта Осиё ўртасидаги ҳудудий яқинлик ва асосий ишлаб чиқариш усулининг умумийлиги (суғорма деҳқончилик) бу икки ҳудуд тамаддунлари ўртасидаги баъзи бир ўхшаш хусусиятларни (мустабид ҳокимиятчилик, мафкура, ижтимоий феъл-атворнинг ўхшашлиги ва ҳ.к) келтириб чиқарган. Тамаддун ҳақида тадқиқот олиб боровчи олим тамаддуннинг асоси нимада эканлигини англамаса янглиш хулосаларга келиши ҳам ҳеч гап эмас.

Тарихий тараққиётнинг даврийлиги ёки тўғри чизиқли кўринишга эгаллиги ҳақида бугунги кунларда ҳам қизгин баҳслар давом этмоқда.[5] Таниқли рус тарихчиси Б.Н. Митронов бугунги рус фанида шаклланган “даврийлик” концепциясига шундай баҳо беради: “Концепцияга мувофиқ Россия учун Ғарбдан фарқли равишда тўғри чизиқли тараққиёт эмас, балки тебранма кўринишдаги тараққиёт ҳосил: у гоҳ олдинга ҳаракатланади, гоҳ орқага қайтади, тараққиёт инқироз билан алмашади, ҳаракат тебранма кўринишда содир бўлади”.[6]

Бугунги тадқиқотчилардан Розов Н. С. “давр”лар турли-туман, ҳар хил, ўзгариб турувчи объектив ва субъектив омиллар сабабли пайдо бўлади” - деб ёзади.[7] Бундай тушунтириш амалда “давр” ҳақида ҳеч қандай маълумот бермайди.

Айрим тадқиқотчилар шунчаки, тасодифий ҳодисалардан, масалан, икки-уч воқеа ўртасидаги жузъий ўхшашликлардан ўзларича “қонуният” яратиб, гўё “давр” ҳодисаси сифатида талқин қилишга уринадилар ва ўзларини кулгули аҳволга солиб қўядилар:

“Разин, Пугачёв бошчилигидаги деҳқонлар урушлари катнашчиларининг таркиби ва ҳудуди жиҳатидан бир-биридан фарқ қилсада, аммо 1670 ва 1770 йилларда юз беради, яъни орадан роппа-роса юз йил ўтган”.[8] Икки ҳодиса ўртасида айнан юз йил ўтганлиги бу икки ҳодиса ўртасида қонуният борлигини қандай қилиб исботлаши мумкин?



Худди шунга ўхшаш яна бир мисол: “Тарихий тараққиётнинг даврийлигини яққол кўрсатувчи далиллар кўп.

Худди шундай ёрқин далиллардан бири Буюк Француз революцияси билан 1917 йилги рус революциясидирки, улар ҳатто майда-чуйда нарсаларда ҳам бир-бирига мос келади”.[9]

Агарда “даврийлик” назарияси тарафдорлари мазкур мисолдан тараққиётнинг тўғри чизиқли назариясига қарши фойдаланишни кўзлаган бўлсалар, бу далил ўзларига қарши гувоҳлик беради холос.

Буюк Француз революциясининг, орадан қарийиб, бир ярим аср ўтиб, Россияда такрорланиши Европада тараққиётнинг даврий кўринишида эмас, балки тўғри чизиқли кўринишида бораётганлигини кўрсатади. Агарда, муаллифлар ҳақ бўлганларида Буюк Француз революцияси орадан маълум муддат ўтиб, Россияда эмас, Франциянинг ўзида такрорланиши лозим эди.

Чунки, “давр” ҳодисаси бир мамлакатдан бошқасига кўчиб юрмайди, балки айни бир мамлакатнинг ўзида маълум бир қонуниятлар асосида қайта ва яна қайта содир бўлади ва бу қонуниятлар шунчалар аниқ намоён бўладики, ҳеч қандай баҳс-тортишувга ўрин қолмайди. Шундай мисоллардан бирини биз Хитой тарихида кўрамиз.

“Бир неча бор юксалиш ва инқирозни бошдан кечирган Хитой тарихи алоҳида аҳамиятга эгадир, тараққиётнинг юксак босқичига эришгач ўзаро урушлар қонига ботади. Ягона, марказлашган Хитой давлати ҳозир ҳам бор, биринчи марказлашган давлат сифатида эса бундан 2000 йилдан ортиқроқ илгари Цинь Шихуанди томонидан асос солинган эди. Аммо, кўпчилик бошқа салтанатлар қулагач, кулдан қайта тирилиш уларга насиб этмади”.[10]

Энди, масалани шундай қўййлик: хўш, нима учун Хитой бир эмас, балки бир неча бор қулади-ю, яна қайта тикланди? Аммо Рим салтанати бир марта пайдо бўлди-ю, қулагач, қайта тиклана олмади?



Бизнинг фикримизча, “давр” ходисаси, яъни тарихий тараққиётнинг даврийлиги, иқтисодида суғорма деҳқончилик устувор бўлган жамиятларга хосдир.

“Давр” ходисаси ҳақида тўлароқ тушунчага эга бўлиш учун тарихий тараққиётга ёндашув масаласида географик омил назарияси билан қисқача бўлсада танишиб чиқишга эҳтиёж туғилади.

Тарихга ёндошув масаласида географик омил назариясига кўра кишилиқ жамияти тарихини тирикчилик воситаларини қўлга киритиш усулига қараб икки босқичга бўлинади:

1. Ўзлаштирма хўжалиқ.
2. Ишлаб чиқарувчи хўжалиқ.

Маълумки, ўзлаштирма хўжалиқ даврида ишлаб чиқариш бўлмаган, одамлар ўзлари учун керакли нарсалар – асосан озиқ-овқатни териб-термачлаш ва овчилик йўли билан қўлга киритганлар.

Бундан тахминан 10 минг йил аввал биринчи ишлаб чиқариш усули – кўчманчи чорвачилиқ пайдо бўлди. Орадан маълум вақт ўтгач иккинчи ишлаб чиқариш усули - деҳқончилик пайдо бўлди. Деҳқончилик асосан икки усулда олиб борилган:

- Суғорма деҳқончилик
- Лалмикор деҳқончилик.

Демак, ўзлаштирма хўжалиқдан кейин инсоният ишлаб чиқаришнинг 3 асосий усули билан шуғулланган:

1. Кўчманчи чорвачилиқ
2. Суғорма деҳқончилик
3. Лалмикор деҳқончилик.

Мазкур 3 ишлаб чиқариш усулларида ҳар бири маълум бир табиий шарт-шароит асосида шаклланганлиги исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқатдир, яъни:

- кўчманчи чорвачилиқ - кенг саҳро ва чўл-дашт, тоғ ва тоғ олди қир-адирларида.



- Суғорма деҳқончилик - куруқ ва иссиқ иқлимли минтақаларда.

- Лалмикор деҳқончилик - сернам ва мўътадил иқлимли минтақаларда.

Таҳлиллар кўрсатадики, мана шу 3 хил ишлаб чиқаришнинг ҳар бири ўзига хос турмуш – тарзи ва тараққиёт йўлини вужудга келтиради:

1. Кўчманчи чорвадорлар – тараққиётнинг турғунлиги билан ажралиб туради.

2. Суғорма деҳқончилик жамиятлари – тараққиёт “давр”лар кўринишида юз беради.

3. Лалмикор деҳқончилик жамиятларида тараққиёт тўғри чизиқли кўринишда, яъни доимо оддийдан мураккабга, куйидан юқorigа қараб ривожланиб боради.

Адабиётлар рўйхати

1. Норино.В.Н. Теория Ибн Халдун. [https:// spravochnick. ru/ arheologia /teoriya_ciklizma](https://spravochnick.ru/arheologia/teoriya_ciklizma).

2. Лось В. А. Взаимосвязь циклических линейных подходов к динамике мирового развития. Журнал: Век глобализации №2 (14) 2014. –Б 67.

3. Повилайтис А. В. Проблема итеративности и цикличности исторического процесса: социально-исторический анализ. Журнал: общество, философия, история, культура 2020 ВАК. –стр 19.

4. Тойнби А. Постигание истории: Сборник. –Москва: 2001. –стр. 233.

5. Ахиезер А. С. Россия: критика исторического опыта.(Социокультурная динамика России) в 2 томах Т-1Новосибирск.1997.С- 337-394. Дворниченко А.Ю. От циклизма до теологизма,или снова об особенностях российской истории.Вестник СПбГУ.История. 2023.Т68. Вып.2. С-531-548. Согрин В .В. Зверева Г .И.Репина Л.П. Современная историография Великобритании.М-1991. С- 182-207. Шлезингер А.М.Циклы американской истории.М-1992.С 41-77.



6. Миронов Б. Н. Циклические концепции истории России в современной историографии. Вестник Санкт Петербургского университета. История. 2023. Т-68. Вып 1.С-130-158.

7. Розов Н. С.Цикличность Российской политической истории как болезнь: возможно ли выздоровление?Н. Rozovnsu. ru.

8. Отзыв об автореферате, диссертации С. А. Сорокина “Цикль в державной динамике России”avtoref.mgou. ru

9. <https://aminoapps.com/c/youtube-rus/page/blog/istoricheskii-tsiklizm>.

10. naked. Sckense. ru.<https://naked.sckens.ru>.